

**МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ  
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.**

**А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти**

**Педагогика таълими назарияси кафедраси ўқитувчиси**

**Тошназарова Узукой Азизберди қизи**

**АННОТАЦИЯ**

Бугунги кунда талабаларнинг таълим олишида эътибор, асосан, билимлар ва методларни эгаллашга қаратилган, аммо инсоний муносабатлар, ўзаро касбий фаолият сирларини эгаллашга етарлича диққат-эътибор берилмаяпти. Амалиётда ҳар қандай замонавий мутахассиснинг ҳаёт йўлида унинг самарадорлигининг асосий муҳим омили сифатида унинг одамлар билан ишлай олиш маҳорати белгиланган. Мулоқот соҳасининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг ўзи комплекс хусусиятга эга бўлиши лозим, чунки бу бошқа касбий фанлар билан интеракцияни яқинлаштиришга имкон беради.

**Калит сўзлар:** Мослашувчанлик, фаоллик, эмпатиявийлик, мулоқот меъёрлари этикетини, инсоннинг коммуникатив хусусиятлари, мулоқотнинг моҳияти ва ўзаро ҳамкорлик, коммуникатив саводхонлик ва компетентлик, коммуникабеллик ва маданиятни шакллантириш, ижтимоий-перцептив билимлар, эмпатия ва шахслараро аттракция, ижтимоий интеллектнинг психологик хусусиятлари, ижтимоий иерархиянинг таъсири, социометрик мақом.

Тадқиқотчилар коммуникация муаммоларига катта аҳамият бераётганликларига қарамай, бўлғуси мутахассисларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш муаммоларининг ўзига хосликларини чуқур ўрганиш, турли олимларнинг бу йўналишга бўлган қарашларини янада батафасилроқ ўрганиш талаб этилади.

Л.А.Петровская мулоқот маданиятини ривожлантириш муаммосини бир бутун яхлит шахсий таълимот сифатида таърифлайди ва унда таълим олувчининг ривожланиши мулоқот маданиятининг субъекти сифатида таъминланган бўлиб, бунда маънавий-ахлоқий, ижтимоий, коммуникатив функциялар интеграциялашган деб урғу беради. Муаллифнинг фикрича, бундан ташқари, мазкур феномен маънавий-ахлоқий, эстетик ва биринчи навбатда, шахснинг маънавий маданияти билан чамбарчас боғлиқликда шаклланади. У умумий маданиятнинг муҳим компоненти, шахснинг ижтимоий ривожланишининг, мулоқот маданияти субъектининг қуроли, коммуникатив фаолиятининг сиртки натижаси ҳисобланади. Бу интегратив шахсий таълим бўлиб, ўз ичига мулоқот меъёрлари этикетини, инсоннинг коммуникатив хусусиятлари ва кўникмаларининг ахлоқий йўналишга асосланган тизимини ўз ичига олади ва у учун шахсий мазмунга эга бўлиб, шахснинг бошқа одамлар билан коммуникациясининг муомала ва юриш-туриш соҳасини тартибга солади.

Замонавий ҳаётда ижтимоий-психологик омилларнинг аҳамиятининг ўсиши ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият соҳаларидаги ўзаро муносабатлар қонуниятларининг одамлар томонидан мақсадли жараёнлар сифатида англаниши тушунилади. Бу жараён ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадларида амалга оширилади. Мазкур қонуниятларга эга бўлиш, авваламбор, уларни ҳақиқий ҳаётда қўллай олиш малакаси мавжудлигини англатади. Юқорида қайд этилган позицияни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-психологик тайёргарлик куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

мулоқотнинг моҳияти ва ўзаро ҳамкорлик, тушуниш ва ўзаро бир-бирини тушуниш, жамоа шаклланишининг қонунлари ва ундаги ўзаро муносабатлар, ҳамкорлик фаолияти ва уни тартибга солиш механизмлари

борасидаги замонавий психологиянинг назарий қоидалари ва бошқалар ҳақидаги билимларга эга бўлиш;

реал содир бўлаётган ижтимоий-психологик жараёнларни гуруҳ аъзолари томонидан англаниши, ҳамда бу жараёнларда ўзининг иштирокини баҳолаш;

олинган билимлар асосида бу жараёнларни онгли равишда тартибга солиш, бошқаришда иштирок этиш;

шаклланган билим, малакаларни мукаммаллаштириш ва олинган билимларни амалда синаб кўриш.

Мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш маънавий юксалиш мақсадида бўлган кишининг ҳоҳишига боғлиқ бўлиб, ташқи эмас, инсоннинг ички жараёни бўлиб ўртага тушади. Ўз навбатида, маънавий даражани юксалтириш, маданиятни мукаммаллаштириш, замонавий ҳаётнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва маънавий кадриятларнинг деволвациясида ўз аксини топган салбий кўринишларни бартараф қилишда, жамоат ишларига қизиқишнинг сўниши, маънавиятсизлик ва скептицизм ҳолатларини олдини олиш баркамол шахсни тарбиялашнинг зарурий шартларидан ҳисобланади.

Таълим олувчининг шахсий ривожланганлик даражасининг кўрсаткичи бўлиб, унинг шахсий маданиятининг ривожланган даражаси тушунилади ва бундан мақсад шахснинг касбий ва малакавий юксалиши ҳисобланади. Бунда, маданиятнинг ривожланиши номлари қайд этилган хусусиятлар билан кифояланиб қолмайди, аммо улар касбий тайёргарлик шароитида тизим яратувчи омил вазифасини бажарувчи асосий белги доминанта бўлиб ҳисобланди. Маънавий эҳтиёжлар ва уларни амалга оширишга қаратилган фаолият, маданий маконни (майдонни) тизимлаштиради, бу эса ўз навбатида, доимий равишда кенгайиб боради, шу билан бир қаторда шахсий юксалиш

имкониятини амалга оширишга ва маънавий дунёқараш йўналишларини тўғрит танлашга ёрдам беради.

Т.С.Батишевнинг фикрига кўра, мулоқот маданиятини ривожлантириш, қуйида ажратилган зарурий шарт-шароитлар мажмуасининг мавжудлигига боғлиқ:

аҳамиятли вазиятлар сифатидаги ташқи психологик шароитлар, яъни мулоқот маданиятини юқори даражага етказиш билан боғлиқ ва субъект ҳамда унинг фаолиятига нисбатан объектив хусусиятга эга бўлган психологик шароитлар;

субъект ва унинг фаолиятига нисбатан субъектив хусусиятга эга, ривожланишни ҳаракатга келтирувчи сифатида таърифлаш мумкин бўлган, ички психологик омиллар ва механизмлар.

Мулоқот маданиятини ривожлантириш муаммоси шахснинг гўзалликка бўлган индивидуал интилиши, оҳанг танлаши, мазмуни, ўзини тутиши, бошқалар билан мулоқот даражалари билан уйғунлашади. У шахснинг эстетик маданиятининг ривожланганлиги билан комплекс равишда ўзаро алоқадорликда бўлади. Бундан ташқари, коммуникатив механизмнинг самарали тарбиявий таъсири англаш ва билишнинг инструменти сифатидаги илмий ва гуманитар билимларнинг презентативлиги орқали ўзаро ҳамкорликдаги субъектларнинг диалогик муносабатлар шароитидагина самарали ҳисобланади. У мулоқот иштирокчилари тафаккурида ички диалогнинг уйғониши натижасида юзага келадиган тўлақонли ахборот-маълумот алмашинувининг турли шакллари, воситалари, усуллари билан ифодаланади. Шу билан бир қаторда, мазкур жараён, коммуникатив саводхонлик ва компетентлик, шахсий меъёрлар, шахснинг умумий маданияти асосида ётган билим, малакаларининг ривожланишига ҳам таъсир қилади, ижтимоий ролларни бажариш усуллари ва қоидаларини эгаллаш мақсадида ташкиллаштирилган таълим ва тарбия орқали кучаяди, ҳамда

вазиятларнинг талқини, ташкиллаштириш мақомига мос шакллар, ҳамкорлик ўтадиган манзилнинг тафсилотларига боғлиқ бўлади.

Мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали усули фақатгина унинг субъектлари очик эмоционал ўзаро ишонч шаклидаги мулоқотга киришишга тайёр бўлсагина натижа беради. Улар шахсий билимларини, ҳаётий тажрибаларини намойиш этишади, маълумотларни чин дилдан қабул қилишади ва манипуляция ёки психологик босим ўтказиш орқали натижага эришишга ҳаракат қилишмайди. Ҳақиқий мулоқотни, шахс қадриятлар ва маънавий йўналишлардан маҳрум қилинган, агрессивлик муҳотида амалга ошириб бўлмайди. У бир-бирига ишонч, ўзини мустақил намоён эта олиш, маънавий-ахлоқий тамойилларга асосланган бўлиши керак.

Бўлғуси мутахассисларнинг мулоқот маданиятини самарали шакллантириш ва ривожлантириш уларга ўз касбий мажбуриятларини муваффақиятли бажаришда, олган билимларидан, тажрибаларидан, шахсий қобилиятларидан ўз ўрнида муносиб фойдаланишда, ўзини доимий назорат қилишда ва қутилмаган тўсиқларга учраганда ўз фаолиятини қайта қура олишга ёки мулоқот вақтида ҳар қандай низоларга дуч келганида уни бартараф қилишга ёрдам беради. Олий таълим муассасалари талабаларининг мулоқот маданиятини ривожлантириш, босқичма-босқич амалга оширилиши лозим:

шахслараро муносабатлар соҳасидаги назарий билимларни ўзлаштириш;

коммуникатив билимлар ва кўникмалар ҳолатини ташхислаш, мулоқот чегараларини аниқлаш;

талабаларнинг коммуникатив билим ва кўникамларининг шакллантириш жараёнини мукамаллаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

талабаларда мулоқотга оид билим ва кўникмаларининг шаклланганлик ҳолатини ташхис асосида таҳлил қилиш.

Мутахассисларнинг тизимли тайёргарлиги асосини узлуксиз таълим ташкил этишига қарамай, айнан маданиятни шакллантириш жараёни узлуксиз бўлиб, касбий маҳоратни муваффақиятли эгаллашини, ҳамда мутахассиснинг юқори шахсий-ижтимоий мавқега эга бўлишини таъминлайди.

О.В. Уваркиннинг фикрига кўра, ҳозирги кунда мулоқот маданиятини шакллантиришнинг қуйидаги иккита йўналишини ажратиш мақсадга мувофиқ:

токи тил маданияти, нутқ санъати, коммуникатив ахлоқнинг этикаси, юқори ахлоқий сифатлар ва инсонпарвар дунёқараш шаклланмас экан ёшларнинг касбий таълими тугалланган деб бўлмайди;

мулоқот маданияти ҳар бир мутахассисдан бошқалар билан мулоқот мақсадларига эришишни таъминловчи хулқ-атворнинг маълум хусусият ва стратегияларнинг мавжудлиги (ўзи ҳақида яхши таассуротни тузиб чиқиш, маҳсулдор мулоқот қилиш, касбий фаолиятни муваффақиятга йўналтириш, жамоавий муносабатларда ўзини мустақил намоён қилишга ҳаракат қилиш, меҳнат жамоасида янги муносабатларга мослашиш).

О.М. Вдовиченко, олдинги олимларнинг тадқиқотларига таяниб, қуйидаги хулосаларга келади, яъни мавжуд анъанавий коммуникатив таълим методи орқали ўқув жараёнида мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни бутун таълим жараёнини мулоқотга йўналтирадиган жараёнга айлантириш мумкин. Охиргиси, мулоқот асосларини ўзлаштириш каби мулоқот фаолияти жараёнида ўзлаштириш билан изоҳлайди. Яъни, таълим воситаси ва шароитларини бажара туриб, мулоқот ҳам унинг мақсадига айланиб қолади. Бундан ташқари мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш муммоларини кўриб чиқишнинг яна бир

йўналиши ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини киргизиш билан таърифланадиган инновацион ёндашувдир.

Инновацион ёндашувлар жараёнида, бўлғуси мутахассисларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида муҳим замонавий, ҳаётий талабларни ҳисобга олган ҳолда акс эттириш назарда тутилади, бунинг учун биринчи навбатда, фаолиятни қуйидаги тамойиллар асосида қайта кўриб чиқиш зарур, яъни содир бўлиши мумкин бўлган янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик вазиятларни, шахслараро муносабатлар соҳасидаги билимлар, малака ва кўникмаларни ишга оптимал даражада мослаштиришни, мустақилликни имкон қадар кенгайтиришни, демократик ва гуманитар муносабатларни шакллантиришни, шахсий омилни фаоллаштириш ва бошқа томонларини қайта ишлаб чиқиш.

Талаблар тизими доирасида, мулоқот маданиятини самарали шаклланишини ва ривожланишини таъминловчи малака, кўникмаларни қуйидагича жаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

бўлғуси мутахассиснинг касбий мулоқот амалиётини эгаллаш мақсадида коммуникатив таълим ва тайёргарликни амалга ошириш учун зарур бўлган юқори даражадаги психологик тайёргарлиги;

тайёргарлик, агар иштирокчилар ўзларининг ҳақиқатда мавжуд бўлган муаммоларини ҳал эта туриб, мулоқотнинг янги метод ва усулларини ўзлаштиришса, унда ижобий натижага эга бўлишади. Таълим олиш билан тадқиқот ишини уйғунлаштириш янги материалларни ўзлаштириш сифатини оширади ва қўшимча мотивацияни йўлга қўяди;

тайёргарликни босқичма-босқич тадбиқ этиш технологияларга мос равишда кетма-кетликда ўзлаштиришни назарда тутиб, унинг самарадорлигига хизмат қилади;

нафақат машғулотларнинг ўзининг мазмуни муҳим аҳамиятга эга, балки таълим олувчилар билан ишлаш методикаси ҳам муҳим, аммо

тайёргарлик жараёнининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб таълим олувчиларнинг шахслараро мулоқотдаги уларнинг сермазмун-динамик хусусиятлари ва ўқув гуруҳидаги психологик муҳитнинг аҳамияти энг муҳим бўлиб қолаверади;

тайёргарлик жараёни нафақат коммуникатив билимлар ва кўникмаларни ўзлаштиришни, балки шахсни ривожлантиришни ҳам (унинг дунёқарашини, кўрсатмаларини, қадриятлари ва бошқаларни ҳам ўзгартиришни) талаб этади;

агар тайёргарликнинг бошланғич босқичларида шахснинг индивидуал, психофизиологик ва этнопсихологик хусусиятлари, яъни экстрроверсия-интроверсия даражаси, эмоционал мувозанат кўрсатгичи, мотивация ва мулоқот ҳисобга олинса тайёргарлик анча самарали бўлади;

тайёргарликининг самараси уни жадаллаштириш шароитларида, яъни шахснинг ички захираси жалб этила бошланганда, унинг янги юзага чиқмаган хусусиятлари очилганда юқорилашади;

гуруҳий омил тайёргарликнинг самарадорлигини оширишда салмоқли омиллардан бири ҳисобланади, чунки гуруҳнинг жадал ривожланиш жараёни, у ўтаётган ривожланиш босқисчларининг тез суратда ўсиб бориши ҳисобига ҳар бир иштирокчини фаоллаштиришга имкон беради;

олинган коммуникатив билимларни фаоллаштириш, шахс ёки гуруҳ учун профессионалликка эришишнинг муҳимлиги, инсоннинг коммуникатив фаолиятини оптималлаштиради (мувофиқлаштиради), самарали тайёргарликка эриштиради.

Амалиётда гувоҳи бўлаётганимиздек, охириги вақтларда тайёргарликнинг ҳар хил махсус ишлаб чиқилган психологик тренинглар шаклидаги турлари тарқалган. Масалан, Н.Н. Васильевнинг нуқтаи назарига кўра, мулоқот соҳасини ривожлантириш жараёнини оптималлаштиришнинг энг самарали йўллари, махсус тайёрланган психологик тренинглар

ҳисобланиб, уларни амалга ошириш жараёнида турли-туман коммуникатив ҳаракатлар техникасини, мулоқотнинг маълум малакалари ва бошқа технологияларини ўзлаштириш жараёни содир бўлади. Бунда таълим олувчиларнинг асосий кучини, уларнинг келажакда ривожланишлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилувчи шахслараро мулоқотни ривожлантирувчи билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнини босқичма-босқич амалга оширишга йўналтириш зарур.

Ф. Бурнард тренингни қобилиятларни ривожлантиришга ўргатувчи ва ҳар қандай мураккаб фаолиятни, шу жумладан мулоқот фаолиятини ҳам эгаллашга йўналтирилган методлар гуруҳи деб қарайди. Тренинг, инсонда аввалдан мавжуд бўлган фаолият ва ҳулқ-атворни бошқариш моделини қайта дастурлаш воситаси сифатида ҳам таърифланади. Бунда, тренинг ўтказишнинг муваффақияти кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Тренинг ўтказиш самарадорлигининг муҳим имкониятларидан бири – иштирокчининг ўзини мустақил ривожлантиришга, фаолликка, очиқликка интилиши, ҳамда ўзининг психологик компетентлигини оптималлаштириш истаги борлиги.

И.В. Вачков ва М. Кипниснинг фикрига кўра, тренингли технологиялар яхлит, даврий ташкиллаштирилган, бир тизим билан бирлаштирилган, вақт билан чегараланган, муаммоли вазиятларни ҳар томонлама ўзига хос машқлар орқали ҳал этадиган ва ҳар томонлама таҳлил қиладиган технологияларни ташкил этади. Муаллифлар тренингли технологияларни тавсифловчи қуйидаги хусусиятларни ажратади:

амалиётдаги вазиятни аниқ бир мақсадга йўналтириб қайта ишлаб чиқиш ва шу вазиятни зудлик билан бошдан ўтказиш, ҳис қилиш;

таълимнинг ўзгарувчан тренинг тартиби, унинг даврий ташкиллаштирилиши, мазмунига, давомийлигига ва интенсивлигига дифференциал ёндашув билан изоҳланади;

типик ижтимоий вазиятларни таҳлил қилиш жараёнида ташхислаш;

муаммоли вазиятларни ечиш усулларини англаш мақсадида реал ҳақиқатлар моделларини қўллаш;

маълум вазифаларни мустақил ечиш учун қулай шароитларни яратиш.

Шунингдек тадқиқотчилар томонидан тренинг жараёнида гуруҳда ишлаш шаклининг қуйидаги афзалликлари аниқланади:

гуруҳ тажрибаси шахслараро ўзаро муносабаталар билан боғлиқ бўлган бегоналашишга йўл қўймайди, муаммоларни ечишда ёрдам беради;

иштирокчи самарасиз ўз қобилиятига кириб қолишдан четлашади, ўзини турли томондан кўриш имкониятига эга бўлади;

гуруҳ жамиятни миниатюрада акс эттиради – гуруҳда иштирокчиларнинг реал ҳаёт тарзига хос ўзаро муносабатлари ва ўзаро алоқалари шакллантирилади;

гуруҳда янги билимлар, кўникмалар олиш, турли ҳатти-ҳаракатлар шаклларини эксперимент қилиб кўриш имконияти мавжуд;

гуруҳда ўзини мустақил кашф этиш, ўз-ўзини англаш жараёнларига ёрдам берувчи ўзаро муносабатлар қизғинлиги яратилади;

таълим олувчининг гуруҳда ўзини бошқалар билан идентификациялаш имкони пайдо бўлади, яъни бошқа одамни ролини ижро этиб, янги ҳатти-ҳаракатлар шакллари билан танишади.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бўлғуси мутахассисларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун психологик тренинглар фойдали. Бундан ташқари, тренингнинг ташхислаш, ўргатувчи ва ривожлантирувчи имкониятлари тадқиқотчиларнинг ва турли амалиётчи мутахассисларнинг диққатини кўпроқ жалб этмоқда. Қобилиятларни, хусусиятларни, сифатларни, билим ва кўнималарни ривожлантириш ёки яхшилашга йўналтирилган тренинглар, одатда, ижтимоий-психологик тренинглар деб белгиланади. Ижтимоий-психологик тренингларнинг асосий мақсадлари ва тадқиқотчи ечишга

ҳаракат қилаётган шартларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тренинг гуруҳларининг вазифалари турли-туман. Шу жумладан, уни ташкил қилиш жараёнида қуйидагилар мумкин:

мулоқотда компетентликни ошириш;

билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни таъминлаш;

шахслараро муносабатларни яхшилаш ва ривожлантиришни таъминлаш;

мулоқотда ва ўзаро муносабатларда мулоқотнинг базавий кўрсатмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

ижтимоий-перцептив билимлар, эмпатия ва шахслараро аттракция ва бошқа тизимларнинг шаклланишига имконият яратиш.

Бошқа мақсадлар ҳам мавжуд:

инсонни эмоционал тутқунликдан озод қилувчи шарт-шароитларни яратиш;

мулоқотга ва одамлар билан умумийлик ҳиссига эҳтиёжни шакллантириш;

ўзини мустақил кашф этиш ва ўз-ўзини фаоллаштириш;

шахсда шахслараро муносабатнинг мослашувчан шакллари пайдо қилиш ва мустаҳкамлаш;

мулоқотнинг қулай усуллари ривожлантириш;

инсонни фаол ҳаракатларга жалб этиш ва бошқалар.

А.Ф. Шадура тренингни мақсади сифатида гуруҳ аъзолари ёки бутун ҳамжамият томонидан танланган, мақбул деб баҳоланадиган ҳатти-ҳаракатларни ривожлантиришни ажратиб кўрсатади. Аммо гуруҳнинг мақсадидан қатъий назар, муаллиф таълимда – келажакдаги муаммоларни еча олишни ривожлантиришга ва иштирокчи гуруҳга олиб келган муаммолар ечимини топишга урғу беради. Тренинг гуруҳи доирасида асосан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

карорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ўзига ишончи ривожлантириш, коммуникатив билимларга эга бўлиш ва ўзини бошқаришни ўрганиш ва бошқалар;

гуруҳда ўзаро ҳамкорликда ўзлаштириш таассуротини кенг ўргатишга йўналтириш;

таълим жараёнига тадқиқот элементларини қўшиш орқали иштирокчиларнинг фаолликларини амалда таъминлаш;

турли вариантлар мавжудлигида таълимни мувофиқ усулларини танлаш.

Бунда тренинг тузилмасида қуйидаги блоклар муҳим саналади:

фаол ҳатти-ҳаракатлар ташхиси;

мураккаб ҳатти-ҳаракатлар таркибида алоҳида билим/малакалар тренинги;

ҳатти-ҳаракатларнинг бир бутун, яхлит жараёнида олинган билим малакаларнинг интеграцияси;

тренинг жараёнида ўзлаштирилган билим малакаларнинг ташхиси ва баҳоси

Замонавий олий таълим муассасаси, қоидага кўра, кўп жихатдан бўлғуси мутахассисларнинг касбий сифатларини шакллантиришга ва ривожлантиришга йўналтирилган. Касбий йўналганлик, биринчи навбатда, айнан махсус фанлар бўйича тайёргарликни назарда тутуди, шахснинг бир бутун компетентлик сифатидаги тайёргарлигини эмас. Шахснинг ижодий фаоллигидан келиб чиқадиган қобилиятларини ривожлантириш, ҳамда унинг жамоада ўзини тутиш кўникмалари иккинчи даражага суриб қўйилапти, шундай қилиб, касбий фаолият асосида ётган мотивларнинг ўзгарган (деформацияланган) тизими юзага келаяпти. Агар махсус билимлар таълим жараёнида мақсадга йўналтирилиб ўзлаштирилса, унда касбий билим/малакаларни шакллантириш учун шароитлар бари-бир етарли эмас.

Бундай етишмовчилик қисман ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш билан, талабаларнинг илмий жамиятларидаги мавжуд шарт-шароитлар билан ва талабаларнинг амалий ижодиётлари билан қопланади. Талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятлари, асосан, бу соҳадаги билимларнинг яққол етишмовчилигида талабаларни ўзини ўзи бошқаришнинг турли хилдаги кўринишларида шаклланади. Бу муаммоларни ҳал қилиш доирасида психологлар, социологлар, педагоглар ва таълим жараёни ташкилотчилари олдида ўзаро ҳамкорликда, барча кучларини мувофиқлаштирган ҳолда олий таълим тизими олдидаги вазифани ечиш масъулияти юзага келади.

Баъзи олий таълим муассасаларининг ҳақиқий тажрибалари шуни кўрсатадики, узлуксиз психологик назорат тизими остида ташкил этилган ва келажакдаги касбий фаолиятга йўналтирилган таълим жараёнида, аҳамиятли даражада ижобий натижага эришиш ва махсус билимларни пухта эгаллаш, ҳамда амалий фаолият учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш мумкин. Бунда шахс психологияси таркибини, ишлаб чиқариш жамоасининг моҳиятини, турларини, бошқарув усулларининг фойдалилигини ва уларнинг ҳар бирининг самаралилик даражасини, расмий ва норасмий муносабатларга бевосита таъсир ўтказиши туриб, низоларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш усулларини, меҳнатни ташкил этишда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишни билиш каби психологик жиҳатларга алоҳида урғу берилади. Агар келажакдаги касбий фаолияти таркибидаги бирор-бир элемент ҳақиқатдан ҳам тушуриб қолдирилса, касбий фаолиятидаги зарур вазифаларни бажаришда қийинчиликлар пайдо бўлади.

П.В.Селезневнинг нуқтаи назарига кўра, мавжуд тизим, олий таълим муассасалари битирувчиларининг психологик тайёргарлигига, шу жумладан коммуникатив тайёргарлигига қуйилган замонавий талабларга ҳам жавоб бера олмайди. Ўзининг табиатига кўра, у бўлғуси мутахассисларда психологик ва коммуникатив билимларни амалда қўллай олиш

кўникмаларини етарли даражада таъминлаши зарур, чунки бу малакала ва кўникмаларни эгаллаш уларнинг келажакдаги касбий фаолиятларини самарадорлигини оширишга имкон беради. Олимларнинг замонавий тадқиқодлари шундан ёрқин далолтат берадики, мулоқотда, ўзаро ҳамкорликда ва ўзаро бир-бирини тушунишда муваффақиятга эришиш, энг биринчи навбатда, мутахассисларнинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқади. Айнан шунинг учун, коммуникатив тайёргарликда психологик билимларнинг коммуникатив жиҳатдан афзалларини, тўғри ва самаралиларини тўплаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш билан кифояланилмайди. Бу ерда, одамлар билан муносабатларда салбий натижага эришаётган мутахассис ўз шахси устида ишлаб, унда жиддий ўзгаришлар киритиши зарурлиги таъкидланади. Бундан ташқари, тадқиқотчининг фикрича, замонавий таълим муассасасида ўқиш жараёни, асосан, касбий билим ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда бўлғуси мутахассиснинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган коммуникатив жиҳати иккинчи даражага ўтиб, яъни у амалга ошрилмай қолапти ва бунинг натижасида қатор зиддиятлар юзага келаяпти:

бўлғуси мутахассисларнинг фундаментал назарий тайёргарликлари ва ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этишга бўлган тайёргарликларининг етрали даражада эмаслиги орасидаги зиддиятлар;

бўлғуси мутахассисларнинг коммуникатив қобилиятларини шакллантиришнинг самарадорлигини ошириш жараёнлари ва муаммони ечишга хизмат қилувчи назарий ва амалий базанинг мавжуд эмаслиги орасидаги зиддиятлар;

психология-педагогика циклидаги фанларнинг мавжуд коммуникатив имкониятлари ва таълим жараёнини анъавий шакллар ва услубларда ташкил этилганлиги орасидаги фарқлар.

Бу зиддиятларни бартараф қилиш, бўлғуси мутахассисларнинг коммуникатив тайёргарлигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини мукаммаллаштиришнинг назарий жиҳатдан асослашни ва амалий жиҳатдан самарали йўлга қўйишни бир-бирига объектив равишда боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда ечишни тақозо этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
- 2.Ғозиев Э.Г. Тошимов Р. Менежмент психологияси. Т-2001
- 3.Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
- 4.Немов Р.С. «Психология». Кн.1. - М., 2003
- 5.Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1:Общие основы психологии. — 2-е изд. — М: Владос, 1998.
- 6.Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
- 7.Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
- 8.Давлетшин М.Г. Умумий психология. Т. ТошДПУ.2002.(ўқув қўлланма).
- 9.Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т. 1999.
- 10.Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
- 11.Davurova, G. (2020). Pedagogika oliy o'quv yurti talabalarining ijodiy faoliyatini shakllantirishda psixologik xizmatni tashkil etish. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 12.Davurova, G. (2020). СЕМЕЙНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЕ. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 13.Davurova, G. (2020). Komil inson masalasining psixologiyada tadqiq etilishi. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 14.Rasulova, D. (2020). YOSH OTA-ONALARNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK BILIMLARINI OSHIRISHNING AHAMIYATI. Архив Научных Публикаций JSPI.

15. Davurova, G. (2020). O'ZLASHTIRISHI QIYIN BO'LGAN KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALAR PSIXOLOGIYASIDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI. Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, (1).
16. Xamrayeva, N. (2020). СЕМЕЙНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ. Архив Научных Публикаций JSPI.
17. Davurova, G. (2020). O'ZLASHTIRISHI QIYIN BO'LGAN KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALAR PSIXOLOGIYASIDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI. Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, (1).
18. Rasulova, D. (2020). QIZLARNI SOG'LOM TURMUSH TARZI ASOSIDA TARBIYALASHNING AHAMIYATI. Архив Научных Публикаций JSPI.
19. Uktamovich, R. B., & Rakhmatullaevna, R. D. (2019). FEATURES OF STUDYING THE LEVEL OF PSYCHOLOGICAL READINESS OF A SEVEN-YEAR-OLD CHILD'S ADAPTATION TO SCHOOL. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
20. Davurova, G. (2020). Yosh ota-onalarining pedagogik-psixologik bilimlarini oshirishning ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI.
21. Расулова, Д. (2020). Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
22. Каршибаева, Г. А., Расулов, Б. У., Расулова, Д. Р., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка. Образование и воспитание, (2), 72-73.
23. Rasulova, D. (2020). САМАРАЛИ ТАЪЛИМ-ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ МАҲСУЛИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
24. Majidov, J. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР – СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА

ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(94). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/2529](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2529)

25.Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

26.Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

27.Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

28.Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>

29.Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>

30.Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

31.Majidov, J. (2021). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от

<https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1375>

- 32.Majidov, J. B. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1981-1988.
- 33.Qodirova, M. (2020). Voyaga yetmagan o'smirlar xulq atvorini shakllantirishda olib boriladigan ishlar mazmuni. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 34.Qodirova, M. (2020). Особенности периода взросления подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 35.Qodirova, M. (2020). Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'rni. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 36.Qodirova, M. (2020). Psixologiya fanlarini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 37.Qodirova, M. (2020). РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 38.Qodirova, M. (2020). KICHIK MAKTAB YOSHI O 'QUVCHILARINI HAR TOMONLAMA SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSFSIYATLARI. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 39.Qodirova, M. (2020). Shaxsning ichki konfliktlari va mexanizmlari. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 40.Qodirova, M. (2021). МАШҒУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1460>
- 41.Malikaхon Qodirova, ВОСПРИЯТИЕ " Я " У ДЕТЕЙ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

42. Malikaхon Qodirova, ЧЕЛОВЕК И СТРЕСС , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education